

Имом-хатиб ва имом ноиблари ҳамда муаззинлар суҳбатдан ўтказилди



14:37 / 31.05.2023 1905

2023 йил 31 май куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ташаббуси билан имом-хатиб ва имом ноибларнинг қироатларини, шунингдек, муаззинларнинг азон айтиш маҳоратларини сайқаллаш ҳамда азон ва тажвид илми борасидаги билимларини назоратдан ўтказиш амалиёти бошланди.

Жумладан, бугун Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлимида Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритаётган имом-хатиб ва имом ноиблар ҳамда муаззинлар суҳбатдан ўтказилди.

«Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудир шайх Алижон қори имом-хатиб ва имом ноибларнинг азон айтиш ҳамда тажвид борасидаги билимларини текшириб, уларга керакли тавсиялар берди.

Манба: alquranuz





